

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA NOTARIAT TIZIMINI TUBDAN ISLOX QILISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нотариат институтининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда нотариал идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, нотариал хизматлар кўрсатишнинг тезкорлигини ошириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, жумладан, хусусий мулк эгалари ўз мулкни эркин тасарруф этиши ва ундан фойдаланишида ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни олиб ташлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича қатор мақсадли вазифаларни амалга ошириш замон талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Нотариат институтини рақамлаштирилган моделга ўтказиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларини тубдан соддалаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан нотариат соҳасини тартибга солиш мақсадида **"Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими яратилганлиги** ва унда қуйидаги имкониятлар мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин:

барча нотариал ҳаракатларни ахборот тизим орқали онлайн тарзда мониторинг қилиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларидан фойдаланиш;

нотариал ҳаракатларни ахборот тизимда мажбурий қайд этиш ва ҳар бир ҳужжатга тақдорланмайдиган махсус рақам бериш, шу орқали суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш;

бажарилган нотариал ҳаракатларни ягона электрон базада

қайд қилиш, сохта нотариал ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига йўл қўймаслик ва ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар тарихини сақлаш;

мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб экстерриториаллик тамойили асосида нотариал хизматларни кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги, ходимлар томонидан ўз функционал вазифаларининг лозим даражада бажарилиши устидан масофадан туриб назорат қилиш;

нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик тарзда ҳисоблаш ва электрон тўловларни ўтказиш, уларни тасдиқловчи хабарлар юбориш ҳамда идоралараро электрон ахборот алмашиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал фаолият тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларни умумлаштириш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тегишли давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш мақсадида "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритишга масъул орган этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 1 январдан давлат нотариал идораларини босқичма-босқич нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки: давлат нотариал идораларини нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш адлия органларида нодавлат нотариал идораларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, фаолият юритаётган нотариусларга уларнинг аризаларига асосан нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш орқали амалга оширилади;

Давоми 2-бетда ➡

2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Юртимизда чарм маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Замонавий технологиялар чармдан пойабзал ва бошқа турдаги атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига имкон яратмоқда.

Вилоятимизда ҳам маҳаллий чарм хом ашёсини қайта ишловчи замонавий корхоналар сони кўпаймоқда.



ХОМ АШЁ ЎЗИМИЗДАН, ХАРИДОР ХОРИЖДАН

– Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бизнинг асосий вазифамиздир, – дейди "Ўзчармсааноат" уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Ботир Машарипов. – Шу билан бирга мутахассисларимиз йирик сармояларни жалб этиш, замонавий ускуналар билан жиҳозланган махсус кушоналар, терини қайта ишловчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланмоқдалар. Кенг ассортиментдаги кўнчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ошиши, экспорт ҳажми кўпайиши, ви-

лоятимизнинг туман ва шаҳарларида янги иш жойлари яратилишига хизмат қилади.

"Ўзчармсааноат" уюшмасининг бевосита ёрдамида яқинда Ангрен шаҳрида "Ангрен-чарм инвест" МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. Беш миллион АҚШ доллари миқдоридикиритилган сармоя туфайли вилоятимиз кўнчилик соҳасида энг йирик экспорт қилувчи корхона яратилди. Бу ерда Италиянинг "Mosconi Spa" компанияси ишлаб чиқарган энг замонавий технологик линия ўрнатилган. Айтиш жоизки, ушбу компания қарийб юз йилдан буён йирик ва кичик шохли

моллар терисини ошлаш, ажратиш ва қирқишга мўлжалланган илғор технологияларни дунёга таклиф этиб келмоқда. Бундай ускуналарни мамлакатимизга кириб келиши давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг натижасидир. Бинобарин, Президентимизнинг 2018 йил 3 майдаги қарорига асосан, корхона 2023 йилнинг 1 январигача чет элдан олиб келинадиган импорт жиҳозлар, комплектловчи бўйимлар, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитурга учун барча божхона тўловларидан

(расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлардан ташқари) озод этилган.

– Илғор технологик жиҳозлар кунига икки ярим мингга яқин йирик ва кичик шохли моллар терисига ишлов беришга имкон яратади, – дейди корхона раҳбари Насим Каримов. – Тежамкор ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотимиз жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Шунинг учун ҳам маҳсулотимиз юз фоиз Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилинади.

Хозирги кунга келиб "Ангренчарм инвест" МЧЖ да 40 киши иш билан таъминланган. Барча ишчи ва хизматчиларга бепул овқат ва махсус кийим берилади. Ойлик маош эса аниқ белгиланган мuddатда тўланади. Италиядан келтирилган қимматбаҳо замонавий ускуналарни бошқариш онсон эмас. Маҳаллий йиғит ва қизларимизни хориждан таклиф этилган юқори малакали муҳандислар ўргатишмоқда. Яқин истиқболда корхонада бир қатор янги турдаги чарм маҳсулотлари ва автомашиналар ўриндиқлари учун қопламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ҳамидулла ЎБАЙДУЛЛАЕВ
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA VAZIRLAR MAHXAMASI HUZURIDAGI PREZIDENT, IJOD VA IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTABLARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI FAOLIYATINI TASHKIL ETISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5815-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва иختисослаш-

тирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ҳозирда ходимларнинг чекланган сони 57 нафардан иборат марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда ➡



Юртбошимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг хотин-қизларни иш билан таъминлаш йўналиши бўйича Бекобод шаҳрида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

ТАШАББУС САМАРАСИ

– Қисқа фурсат ичида шахримизда 4 та тикувчилик цехи очилиб, 412 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди,



– дейди Бекобод шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳалима Ибрагимова. – Шунингдек, 21 нафар аёлнинг оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Дарвоқе, шаҳардаги собиқ босмахона биноси "Ўзметкомбинат" АЖ корхонаси томонидан қайта таъмирдан чиқарилиб, болалар кийими тайёрловчи "ALBA textile" цехига мослаштирилди. Хозирги кунда 150 нафар хотин-қиз мазкур тикув цехида меҳ-

нат қилишмоқда. Ишлаб чиқариш цехида ходимлар учун барча шароитлар яратиб берилган.

– Цехимизда бепул тушлик, қўшни тумандан келиб ишловчиларга автобус қатновини йўлга қўйганмиз, – дейди ишлаб чиқариш бўйича корхона директорининг муовини Азиза Тожбоева. – Яқин кунларда коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари очиш ниятимиз ҳам бор.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат

СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ

Давлатимиз раҳбарининг Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи халқимизда, турли соҳа ва касб эгалари, фахрийлар ва ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Бу табиий, албатта. Ўз тақдирини Ватан тақдирига дахлдор, деб билган инсон борки, Юртбошимиз нутқини мулоҳаза, мушоҳада қилади. Улардан айримларининг фикрларини ёзиб олдик.

□ Изҳор

Турдиниса ЖУМАНОВА,
Бўқа туманидаги "Шахноза"
МЧЖга қарашли хусусий
дорихона провизори,
"Дўстлик" ордени соҳибаси:

– Мамлакатимиз раҳбарининг Мустақиллигимизнинг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанавий халқимизни табриклаб айтган сўзларидан ҳаяжонланиб кетдим. Тўғри, бу қувончмга байрам арафасида "Дўстлик" ордени билан мукофотланганим ҳам сабаб бўлди. Лекин, Президентимизнинг осуда ҳаётимиз, шахару қишлоқларимизнинг ўзгараётган қиёфаси, эришган ютуқларимиз, амалга оширилаётган бунёдкорликлар, шунингдек, бажариладиган ишлар тўғрисидаги гаплари ҳеч биримизни эътиборсиз қолдирмади, десама адашмаган бўлман.

Давоми 3-бетда ➡

КЎЗИМИЗ ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

■ Бугуннинг гапи

"Топганинг тўйларга буюрсин", "Бошинг тўйдан чиқмасин", "Тўйларга етказсин" каби тилаклар кўпроқ бизнинг миллатга хос. Буларнинг замирида "Ҳамиша яхши кунлар ҳамроҳ бўлсин", деган хайрли ният муҳассам. Аммо, бугун замонасоз тўй қилиш маънавияти кўриб, "Бошинг тўйдан чиқмасин" дейишга истиҳоло қиласан, киши. Айниқса, никоҳ тўйларининг юки айрим оилалар учун туганмас ташвишга айланаётгани бор гап. Аксар ота-оналар "кўпнинг қаторидан қолмаслик" ҳамда ўғил-қизларининг хою-хавасларини ижобат қилиш учун не қўйларга тушайтганларини кўриб, билиб турибмиз.

Яна бир бор маънавиятимизга соя солаётган "удумлар" ҳақида

...Кўчаларни тўлдириб ўтаётган ўнлаб ҳашаматли машиналарда келин-куёв "сайр"га чиқади. Авваллари боғу хиёбонларда кечган "сайр" ҳозир қимматбаҳо меҳмонхоналарда суратга тушиш билан яқинга етаяпти. Келинчакнинг эғнида фалон пулга ижарага олинган либос. Бундай кийимларнинг нархи осмондалигидан ташқари, гигиена талабларига қанчалар тўғри келиш масаласи ҳам ўйлантиради одамни. Сабаби, бу либосни нечта қиз кийганку, ахир! Камига келинчакнинг пўрим суратига хос ва мос кийим илжинида дугоналар ҳам ижарага қўйлаб қидиради ёки янги оқшом либосини харид қилиш оғирлиги яна ота-она зиммасига ортиқча юк. Бу ҳам етмагандай, ҳамма тўйларга битта оқшом либосини кийишни истамайдиганлар ҳам оз эмас...

Давоми 4-бетда ➡



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОТАРИАТ ТИЗИМИНИ
ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

тегишли нотариал округда қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли миқдордаги **нодавлат нотариал идоралар ташкил этилганига қадар давлат нотариал идоралари ўз фаолиятини давом эттиради;**

нотариус ўз касбий мажбуриятларини буюзи оқибатида етказиладиган зарардан жисмоний ва юридик шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида **нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлиги сугурталанади;**

нодавлат нотариал идораларини **давлат рўйхатидан ўтказиш** ва нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқи учун **лицензия бериш адлия органлари томонидан амалга оширилади.**

3. Қуйидагилар **нодавлат нотариал идоралар фаолиятини молиялаштириш** манбалари этиб белгилансин:

нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун **ундириладиган давлат божи суммасининг** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда **нодавлат нотариал идораларда қоладиган қисми;**

ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларни амалга оширганлик, шунингдек, **нотариатнинг** фаол модели доирасида **хизматларни кўрсатганлик** учун олиннадиган тўловлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг барча нотариал идоралар нотариусларининг аъзолигига асосланган **Ўзбекистон Нотариал палатасини ташкил этиш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар **Ўзбекистон Нотариал палатасининг асосий вазифалари** ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

нотариал идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

низоларнинг олдини олувчи институт сифатида **нотариат** ролини мустаҳкамлаш, **нотариуслик** касби нуфузини ошириш, шунингдек, **нотариусларнинг** касбий тайёргарлиги ва малакаси, оширилишини ҳамда уларнинг **фуқаролик жавобгарлиги** мажбурий сугурталанишини ташкил этиш;

ягона **нотариал амалиётни** таъминлаш чораларини қўриш, **нотариал идоралар** фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда **нотариусларга** услубий ёрдам кўрсатиш;

аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқ

Бошланғич 1-бета

қий тарғибот тадбирларини амалга ошириш;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан муносабатларда, судда ва бошқа ҳолларда **нотариусларнинг** ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

нотариуслар томонидан қонун ҳужжатларига, касб этикаси қоидалари ва касб мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторингинг амалга ошириш ҳамда уларнинг касбига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тақлиф қилиниши.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Нотариал палатаси:

нотариал идоралар нотариусларини бирлаштирувчи республика **нодавлат** нотижорат ташкилоти ҳисобланади;

нотариусларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашмаслик принципи асосида иш юритади;

нотариусларнинг кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Нотариал палатаси билан биргаликда:

нодавлат нотариал идоралар нотариуслари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан тизимли ва қатъий назорат ўрнатсин;

уч ой муддатда мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб ҳамда **нодавлат** нотариал идоралар фаолиятини ҳар томонлама тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиниши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилинсин.

7. 2019-2021 йилларда **Нотариат институтини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. 2020 йил 1 январдан мол-мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришда қуйидаги талаблар бекор қилинсин: қурилиши тугалланмаган уй-жойларни бошқа шахсга ўтказишда **маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш;**

васийликдаги шахс номидан мол-мулкларни ижара (аренда) беришда **васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатини олиш** (бу ҳақда **васийлик** ва **ҳомийлик** органларини хабардор этиш шарти билан).

9. Қуйидаги битимларни **мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинсин:**

2019 йил 1 октябрдан – транспорт воситаси эгасининг **фуқаролик жавобгарлигини** мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг **яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш тўғрисидаги ишончномани;**

2020 йил 1 январдан – юридик шахсларнинг, хусусан банк ва бошқа кредит ташкилотларининг қорхона ижара ва текин фойдаланишга бериш ҳамда **бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олишда ипотека, гаров ва лизинг шартномаларини.** Бунда, гаров (ипотека) шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка таққ қўйиш ва таққини ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар банк ва бошқа кредит ташкилотларига мазкур бандда назарда тутилган гаров (ипотека) шартномалари доирасида таққ қўйиш ва таққини ечиш имкониятларини яратиш бўйича тақлиф қилинсин.

10. 2020 йил 1 январдан қуйидаги **нотариал ҳаракатлар жорий этилсин:** **фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлаш** (гувоҳларнинг кўрсатувларини ёзиб олиш, ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш ва гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш, Интернет тармоғидаги фактларни тасдиқлаш);

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, шу жумладан, мулкий ва мерос масалаларида **медиатор вазифаларини бажариш;** яратилган **муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектининг тақдим этилган вақтини тасдиқлаш.**

11. 2020 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: **кўчмас мулклар бўйича битимларни** нотариал тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги **Мажбурий ижро бюросининг** вақолатларига қирадиган **коммунал хизматлар бўйича қарздорликлар ҳақида маълумотларни** факат **Мажбурий ижро бюроси ахборот тизими орқали онлайн режимда текшириш** тартиби ўрнатилган ҳолда, тегишли коммунал ташкилотлардан бундай қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш талаби бекор қилинади;

битимлар бўйича тарафларнинг тўлов мажбуриятларини бажаришни ихтиё

рий равишда **нотариус депозити орқали амалга оширилади.** Бунда **кўчмас мулклар бўйича битимларни** нотариал тасдиқлашда муайян қарздорликлар аниқланганда, уларни тегишли маблағни **нотариус депозитига ўтказиш орқали** тўлаш ёки уларнинг асослигини текшириш имконияти мавжуд бўлади;

битимларни нотариал тасдиқлашни тарафлар турли ҳудудларда жойлашган **нотариал идорада масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали видеоконференцалоқа режимида амалга ошириш** имконияти яратилади;

очиқ ахборот тизимига жойлаштирилган нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишда **ҳужжатнинг қозғош шакли билан тенг ҳуқуқий кучга эга** бўлади ва давлат органи ёки мансабдор шахс уларни тан олишдан бош тортишни таққиланади; республика ҳудудида **нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар** асосида **нотариал ҳаракатларни** амалга оширишда ушбу аризалар, ижара шартномалари ва ишончномаларни тақдим этмасдан, уларни ноёб рақам орқали текширтириш имконияти яратилади; **нотариал ҳаракатни** амалга ошириш истагини билдирган шахсга **нотариал ҳаракат** расмийлаштирилиши учун **зарур бўлган ҳужжат нусхаларини нотариал идорага электрон тармоқ орқали олдиндан жўнатиш йўли билан электрон навбат олиш** ва тегишли **ҳужжатларни тайёрлаб қўйиш** имконини **берувчи хизмат** жорий қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёрдамида электрон муурожаат юбориш орқали **идоравий нотариал архивда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг электрон имзо билан тасдиқланган нусхасини олиш** имконини **берувчи хизмат** тақдим этилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

а) 2020 йил 1 январгача, эксперимент тариқасида, соҳага замонавий инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда камида 2 тадан ва Тошкент шаҳрида камида 5 та нотариал идораларда нотариал идорага келмасдан туриб: мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган битимларни** (ижара ва текин фойдаланишга бериш шартномаларини, бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган ишончномаларни), **ижро ҳатларини, ҳужжатларнинг бир**

тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлашни **электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда расмийлаштиришни;**

аризаларни (прописка қўйишга розилик, вояга етмаган фарзандни чет элга чиқишга розилик аризаларини ва мажбуриятномаларни) **электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда видеоконференцалоқа орқали расмийлаштиришни** жорий этсин.

Бунда, масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали расмийлаштирилган ҳужжатнинг асл нусхасини буюртмачига **курьер хизмати орқали етказиб бериш** имконияти таъминланиши йўлга қўйилсин;

б) эксперимент натижалари асосида 2021 йил 1 январга қадар ушбу амалиётни барча нотариал идораларга татбиқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослангилган тақлифларни киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аҳолига кўрсатилаётган давлат ва ҳуқуқий хизматлар сифатини доимий баҳолаб бориш, рейтингларни аниқлаш, шунингдек, "сирли мижоз" тадбирларини ўтказиш орқали давлат хизматлари марказлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ҳамда нотариал идоралар ходимлари томонидан содир этиладиган суиистеъмолчиликларни аниқлаш мақсадида **профессионал консалтинг фирмаларини шартнома асосида жалб қилиш** ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги идоравий нотариал архивларда сақланаётган кўчмас мулк ҳуқуқининг вужудга келишини назарда тутувчи битимларни рақамли кўринишга ўтказилиши ҳамда ягона **электрон нотариал архив фонди шакллантирилишини 2024 йил 1 январга қадар** яқунласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори унинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган 3 нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Агентлик директори меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шартларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосарлари – тегишли равишда вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентлиkning штатлари сони Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳудудий органларидаги 57 та ишлаб чиқариш ходимлари штат бирлигини оптималлаштириш ҳисобидан жамланади.

3. Агентлик директори:

зарур ҳолларда, Агентлик тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штатлари сони доирасида ўзгартиришлар қилиши;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларининг қўшимча штат бирликларини қиритиш;

истисно тариқасида, идоравий бўйсунувдаги ташкилотларни ташкил этиш ва уларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан

Бошланғич 1-бета

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, хорижий экспертларни шартнома асосида ишга жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг, шунингдек, улар ётоқхоналарининг штат жадвалини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик директори бир ой муддатда Агентликка юқлатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш учун уни зарур билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 2019 йилда Агентлик таъминоти учун маблағларни ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

4 та хизмат автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит белгиласин, шунингдек, Агентликка уларни харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Агентликка асослангилган ҳисоб-китобларга кўра аниқ харажатлардан келиб чиққан ҳолда моддий-техник базани шакллантириш учун зарур ускуналарни харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва маъмурий биноларни таъмирлашга 2019 йилда 3 миллиард сўм, 2020 йилда эса 7 миллиард сўмгача маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлиكنи зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Агентлиكنинг жойлаштирилишини таъминласин;

Агентлик тўғрисидаги нозомни тасдиқласин; Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, энг янги ўқув-лаборатория, илмий, ишлаб чиқариш ва спорт ускуналари, анжомлар, инвентарь ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

2020-2025 йилларда ижод мактаблари фаолиятини такомиллаштириш концепциясини кўриб чиқиш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар йили:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг турли фанлардан халқаро олимпиадаларда иштирок этишини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг хорижий маданий-маърифий сафарларини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг педагог ходимларининг илғор хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириш ва стажировкадан ўтишини ташкиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

8. Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 сентябрь

□ Вилоят ҳокимлигида

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи, мазкур кенгаш раиси Рустам Холматов бошқарди.

МАҲАЛЛА — ОДАМЛАРНИНГ
ЧИНАКАМ МАСЛАҚДОШИ ВА
КЎМАҚДОШИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслақдоши ва кўмақдошига айлантириш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, миллат ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш юзасидан сўз юритилди.

Ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, мафқуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда

маҳаллаларнинг бевосита иштирокни кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича муҳим вазифалар белгилан олдинди.

Йиғилишда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши расмининг биринчи ўринбосари – "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси вазифасига тизимда кўп йиллар самарали меҳнат қилган Раҳматилла Шералиев таъинланган вилоят фаолларига маълум қилинди.

Йиғилишда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз
Нозимжон ИСМОИЛОВ
олган суратлар



Бошланиши 1-бетра

Юртбошимиз нутқида: "Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз", дея таъкидланди. Аслида ҳам маънавият ва маърифат масалаларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор беришимиз маънавий етук авлодларни тарбиялашимизга сабаб бўлади. Маънавияти юксак инсонгина мустақиллиқнинг моҳиятини англайди. Эрксиз яшашнинг нақадар огир эканлигини дилидан ўтказди. Дарҳақиқат, маърифатли инсон ҳеч қачон Ватани ва халқи олдидаги масъулиятини унутмайди. Бу масъулият ва садоқат эзгу ишларга кенг йўл очиб беришини ўтган уч йил давомида кўриб, ҳис қилиб яшаймиз. Давлатимиз раҳбаридagi халқ ишончини қозонишга бўлган саяй-ҳаракат, ватанпарварлик туйғулари мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтарди. Бу борада дадил қўйилган қадамлар жаҳон ҳамжамиятида ҳам эътироф этилмоқда.

Тан олиш керак, бугун ҳар бир соҳадаги ўзгариш мустақиллик туфайлидир. Шу жумладан, тиббиётда янги гоғлар кашф этилаётгани, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни санাগанимизда уларнинг адоғига етолмаймиз. Шубҳасиз, буларнинг барчаси халқимиз манфаатлари йўлида қилинмоқда.

Чиндан ҳам, эришилган ютуқлар замирида халқимизнинг матонати, сабри, жасорати, меҳнати ётибди. Ўтмишнинг аччиқ сабоқлари, огир, синовли кунларда тобланган юртдошларимизнинг орзу-умидлари йўлидаги собитқадамлиги туфайли шу кунларга етиб келмадикми? Бунини чуқур англаган Президентимиз халқимизнинг ишончини оқлаш, рози қилиш орқали мустақиллигимизни мустаҳкамлаб бормоқда.

Соҳиб АХМЕДОВ,
Олмалик шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

– Байрам тадбирида давлатимиз раҳбарининг сўзлаган нутқи мамлакатимиз ёшларини ниҳоятда қувонтирди. Тадбир жоиз бўлса, байрам табригини имкониятлар сари бошлайдиган йўлчи юлдуз, дейиш мумкин. Фактларга мурожаат қилсак: кейинги йилларда ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун "Yoshlar – kelajagimiz" давлат дастури доирасида 719 млрд. сўмлик 4 минг 633

та бизнес лойиҳа амалга оширилди. Худудлардаги "Ёшлар меҳнат гузари", "Ёш тадбиркорлар" коворкинг марказларида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бораёпти. Мухими, бундай изланувчан, интилувчан йигит-қизларнинг кўрсатётган намунасини рағбатлантириш мақсадида ёш оилалар учун "Ёшлар уйлари" қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Умиджон ШОУМАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши раиси:

– Ангиланаётган мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги чуқур ислохотлар халқро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Шу боис, жорий йилда мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловларни халқро экспертлар катта қизиқиш билан куза-

тиши табиий. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бу ҳақда тўхталиб: "Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтаришда яна бир муҳим амалий қадам бўлади. Бу сайловлар бутун халқимиз, айниқса, ёшлари-мизнинг орзу-инти-

лишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман", деди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, ўтган уч йил давомида ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онгини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, иқтисодини ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йў-

налишларидан бири бўлиб келмоқда. Бу йилги сайловлар сиёсий партия вакиллари зиммасига янада катта масъулият юклайди. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 61 фоиздан кўпини ёшлар ташкил этади. Демак, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш – бу келажакимизни, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан баробардир.

СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ

Ҳикмат ЭШОВ,
меҳнат фахрийси, Юқоричирчиқ тумани:

– Халқимиз мустақилликка эришгунча ўз бошидан не-не машаққатларни кечирган. Тарихга айланган энг огир кунлардан эсон-омон ўтиб, бугунги ёруғ кунларга босиб ўтилган йўл бу неъмат қадрини янада чуқурроқ англатади. Ўз тақдирини ўзи белгилаб олган халқимиз ўтган йиллар давомида оламшумул ўзгаришларни, орзу-истакларининг рўёбини кўриб келмоқда. Маълумки, ота-боболаримиз азал-азалдан кўни-кўшничилик муносабатларини эъзозлаб, инсон ҳурмати-

ни, кадр-қимматини улуғлаб келишган. Халқимиз табиатидаги инсонпарварлик хислати мустабид тузум даврида ҳам сақланиб қолаверди. Ўша замонларда одамлар орасига атайин миллатчилик уруғи сочилгани ҳам ҳеч қандай наф бермади.

Давлатимиз раҳбари байрам маросимидаги нутқида ҳаётимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бораётганини жуда ўринли таъкидлади. Сўнгги уч йил ичида қўшни давлатлар билан муносабат-

ларимиз янада яхшиланди. Айни кунларда фуқаролар қўшни давлатдаги қариндош-уруғлари билан борди-келди қилиши учун ҳеч бир тўсиқ йўқ, чегарадан қийинчиликсиз ўтишаяпти. Эркимиз қўлимизда бўлиб, ўзгаларга қарам бўлмай яшашимизни бир вақтлар ота-боболаримиз орзу қилишган. Ўз эрки учун курашиб, бу йўлда жондан ҳам кечишган. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар қанча. Шундай экан, бу дориламон кунларнинг қадрига етиш, қолаверса, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз керак.

□ Дастур – амалда

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари тизимининг ривожланиши, шубҳасиз, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, жамиятда ижтимоий муҳитнинг янада яхшиланишидан далолатдир.

ЙИГИРМА ЙИЛДА БИТМАГАН ИШ БИТДИ



Бўстонлик туманининг "Айдарали", "Алғабос", "Аширбек" маҳаллалари аҳолиси йигирма йилдан буён ичимлик суви масаласида қийналишарди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар натижасида ичимлик суви тизимларини реконструкция қилиш туфайли уларнинг муаммоси ҳал бўла бошлади. "Айдарали" МФЙ ҳудудида 3,7 км. масофага сув тармоғи тортилиб, 1 та сув олиш қудуғи қавланди. Битта сув минораси, битта сувни зарарсизлантириш ускунаси ўрнатилди. "Алғабос" МФЙ ҳудудида эса 1,9 км. масофага сув тармоғи ётқизилди. "Аширбек" маҳалласида эса 1,9 км. масофага сув тармоғи тортилиб, битта трансформатор ва битта сув олиш қудуғи ўрнатилди.

– Кўп йиллик орзулар ушалса, ҳаётга, эртанги кунингга ишонч билан қараркансан, – хурсандчилигини изҳор қилди аширбеклик ўқитувчи Абдурасул Ермеков. – Ўзинг ҳам бўлаётган ўзгаришларга ҳисса қўшгинг келаверар экан.

Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 63,7 фоизи мар-

казлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, қолган 36,3 фоизи турли хил ичимлик суви манбаларидан фойдаланади.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида вилоят бўйича 138 км. узунликда траншея қазилиб, 82 км. масофага ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Ҳозирги кунда учта сув иншоотида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётган. Мазкур қурилишларнинг ҳажми 35 фоизга бажарилди. Бу вазифалар тўлиқ ниҳоясига етказилгач, 36 минг нафардан зиёд аҳоли ичимлик суви билан таъминланади. Шунингдек, 186 минг нафардан зиёд аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

"Обод маҳалла" дастури доирасида жорий йил вилоят бўйича тўққизта аҳоли пунктида қурилиш олиб борилаёпти. Ҳозиргача 8,85 км. масофада ер қазииш ишлари амалга оширилди. Салкам 6 км. масофага сув қувури ётқизилди.

Тошкент вилояти
Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш бошқармаси
Ахборот хизмати

Ижтимоий эълонлар

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auction.uz) савдоларига таклиф этади.
Электрон онлайн очик аукцион савдоларига куйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Қарор рақами ва санаси	Балансда сактовчи	Объектнинг бошланғич нархи
Нурафшон шаҳри						
1	1	"Toshkent sharob savdo" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Нурафшон шаҳри, Янгиҳаёт кўрғони, Тошкент йўли кўчаси, 10	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Toshkent sharob savdo" МЧЖ	3 140 012 479,0
Чирчиқ шаҳри						
2	1	"Chirchiq sharob savdo" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Chirchiq sharob savdo" МЧЖ	3 837 265 354,0
Қуйичирчиқ тумани						
3	1	"Quyichirchiq sharob savdo" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Қуйичирчиқ тумани, "Пахтазор" МФЙ	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Quyichirchiq sharob savdo" МЧЖ	624 476 715,0
Зангиота тумани						
4	1	"SHAMPAN VINO SHAROB SAVDO" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, Бобур кўчаси, 2-уй	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"SHAMPAN VINO SHAROB SAVDO" МЧЖ	78 100 742,0
Бекобод шаҳри						
5	1	"Bekobod sharob savdo" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Меҳмор кўчаси, 18-уй	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Bekobod sharob savdo" МЧЖ	114 949 691,0
Бўстонлик тумани						
6	1	"Bo'stonliq tuman sharob savdo" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Ғазалкент кўчаси	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Bo'stonliq tuman sharob savdo" МЧЖ	1 667 682 656,0
7	2	"Bo'stonliq uzum servis" МЧЖнинг 2,97 фоиз давлат улуши	Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"Bo'stonliq uzum servis" МЧЖ	14 673 723,0
Олмалик шаҳри						
8	1	"OLMALIQ SHAROB SAVDO" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Олмалик шаҳри, Улутбек 5/2 мавзеси	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"OLMALIQ SHAROB SAVDO" МЧЖ	2 708 104 110,0
Оҳангарон шаҳри						
9	1	"OHANGARON SHAHAR SHAROB SAVDO" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Оҳангарон шаҳри, 3-кичик туман, 25-уй	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"OHANGARON SHAHAR SHAROB SAVDO" МЧЖ	2 187 149 140,0
Янгийўл тумани						
10	1	"YANGIYO'L SHAROB SAVDO" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	112000, Янгийўл тумани, Эски Ковунчи ҚФЙ	ПФ-5656 05.02.2019 й. 1-илова	"YANGIYO'L SHAROB SAVDO" МЧЖ	1 487 978 149,3

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 7 октябрдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни [www.e-](http://www.e-auction.uz)

[auktion.uz](http://www.e-auction.uz) сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 111503, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Кумовул ҚФЙ, Паркенттракт кўчаси, 15-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: 0 (371) 230-34-80, 71-230-33-25

E-mail: toshvil@davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишби-

лармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37, Тошкент вилояти ҳокимлигининг 71-232-80-25 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 233-30-56 рақами Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Ушбу объектлар бўйича талабгорлар томонидан камида 1,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция қиритиш ва янги иш ўринлари яратиш таклифи қилиб тушганида вилоят комиссияси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Объектлар бўйича ҳужжатлар 7 кун ичида Тошкент вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасига тақдим этилиши лозим.

Ушбу муддатда объектлар бўйича таклифлар қилиб тушмаган тақдирда савдолар вилоят комиссияси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг кейинги йиғилиш кунларида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй. Телефонлар: 70-76-25-895, 90-947-13-03, 99-883-54-82, 71-232-80-25.



Мазкур фармон ижроси доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи суд-ҳуқуқ тизимининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ҳудудларда янги суд бинолари қурилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда.

Куни кеча Янгийул тумани ва шаҳри маъмурий ҳамда жиноят ишлари бўйича суди биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Республика Олий суди раиси Қозимжон Қомиллов, Судьялар Олий кенгаши раиси Ўбайдулла Мингбоев, Янгийул шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этишди.

Ислохот

Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан суд ҳокимиятини чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва қўрилган амалий чора-тадбирлар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани ҳамда судларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан оширгани алоҳида таъкидланди.

Замонавий дизайн асосида барпо этилган, уч қаватли кўркам суд биносидан барча қўлайликлар яратилган: фуқаролар учун барча шaroитларга эга кутиш хонаси, судья



ва суд ходимлари фаолият юритиши учун алоҳида хоналар, кутубхона шулар жумласидан. Бундан ташқари, бу ерда учта суд зали бўлиб, улардан биттаси замонавий

русумдаги ускуналар билан жиҳозланган видеоконференцалоқа режимидаги махсус залдир.

Ўз мухбири
Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

Дарвоқе

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ҚУЙДАГИЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ:

- Аввало, болангиз сиз учун нақадар қадрли эканлигини ҳис этсин.
- Меҳрингизни асло яширманг, уларга кўнглингизни тўла очинг. Болалар ҳеч қандай шартларсиз севишлишларини билишлари зарур.
- Фарзандингизнинг ҳар қандай туйғу ва кечинмаларидан хабардор бўлинг. Улар сиздан ҳар қандай масалада ёрдам сўрай олсинлар.
- Эътиборсиз қолдирилган тавсияларингизни меҳр билан такрорлашдан эринманг... Болангизнинг аҳши ҳуқуқларини тарбиялаш учун биргаликда такрорланг.
- Болангиз қизиққан соҳаларга қизиқинг, вақтингизни аямай суҳбатлашинг. Фарзандларга маъқул бўлган машғулотлардан уларни маҳрум қилиш, хатарли йўлни ихтиёр этиш демакдир.
- Биргаликда сеvimли муътафилларни томоша қилинг. Танқидий фикрларингизни билдиринг. Шу тариқа қўрган, томоша қилган, эшитган нарсаларини таҳлил қилишни ўргатасиз.
- Ота-она эканлигини пеш қилиб, "Айтганим-айтган!" деганг. Бу сизни болангиздан узоқлаштиради. Қандай ёшда бўлса ҳам болангиз билан кенгашинг, уни тингланг.
- Ҳеч қачон писанда қилиб: "Сен учун нималар қилмадим, қанча қийналдим", деб айтманг.
- Болангизни ўз даврингизга қараб эмас, улар яшаган даврга кўра тарбияланг.



ҚУЙДАГИЛАРДАН ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ:

- Болани бир-бирига солиштириб, ажратиш унинг ҳаётини барбод қилади.
- Жисмоний қўполлик, уриш, уят сўз ишлатиш боланинг ўзига бўлган ишончини йўқотади.
- Доим масҳараланган бола ўзини ҳурмат қилмайдиган бўлиб ўсади.
- Ортиқча эркалатиб, талтайтирилган бола масъулиятсиз бўлади.
- Кўп тергаш, доимий назорат ва ортиқча изоҳ талаб қилиш бошқалар фикрини қабул қилиш хусусиятидан маҳрум қилади.
- Беарволик, боланинг дардига қўлоқ солмаслик, мулоқотга вақт ажратмаслик ундаги хотиржамлик туйғусини йўқотади.
- Вақтида рағбатлантирилмаган бола янгиллик яратишдан, ижод қилишдан беизиб қолади.

Ассалому алайкум!

Мухтарам ҳамшаҳарларим! Омонмисиз? Кайфиятларингиз тузукми?

Дарвоқе, кайфият дегандек. Тунов куни бекатда автобус кутиб турсам, Санъат момо норизо кайфиятда келиб қолди. Санъат момо деганим ёши етмишдан ошган кайвони бир кампир. Ёлғиз ўғлини ўзи уйлаган, урушдан қайтмаган акасининг икки етим қизини ҳам ўзи узатган. На маҳаллақўйдан мадад сўраган, на бирор идора эшигини қоққан. Гапнинг дангали, орият отлиғ кураги ер кўрмаган, югургилаб бориб бирор бир эшикни тақиллатишдан номус қиладиган аёллар иккита бўлса, шунинг биттаси Санъат момо бўлади.

Ранг кўр, ҳол сўр, дейдилар. Момонинг юзқўзини кўриб: "Нима бўлди?" деб сўрадим. Санъат момо ҳам тўлиб турган экан, ёрилди. — Э, ўғлим... Кўрмайсаними? Уй олма, қўшин ол, деб раҳматли чолим бекорга айтмаган экан. Уйимнинг орти тарафидидаги қўшни Раҳмонқулнинг танийсан-ку, аканг билан бирга ўқиган, ўша тирмизак неча замондан бери сув олиб, сув ичиб юрган аригимиз устидан девор урармиш. Ўғлим, дейман кўнмайдиди, болам, дейман

кўнмайдиди. Охири ҳоким қабулига боришга мажбур бўлдим.

Санъат момонинг "Ҳоким қабулига бордим", деган гапини эшитиб, ичимдан бир хотиржамлик ўтди. Ҳа-да, ҳокимнинг бир кўрсатмаси билан муаммо ҳал бўлади-қолади. Кадастр



Бизга ёзадилар

ИНСОН КЎНГЛИНИ АНГЛАНГ

ҳодимларига бир оғиз айтса, олам – гулистон. Афсус, ҳаёлимдагилар пуч чикди:

...Мени, кадастрдаги Шокир исмиди бир йигитга рўбарў қилишди. Ўзи ёшгина йигит экан. Институтни яқинда би-тириб кепти. Хуллас, Шокир дегани ишхонасидаги болалар билан келди, аввал бизнинг, кейин Раҳмонқулнинг ҳовлисини ўлачди-ю, кетди. Кетгандаям сувга тушган тошдек жимиб кетди. Ана келар, мана келар, дейман, ҳеч натижа бўлмади. Ахий-

ри, кадастрга ўзим бордим. Халиги Шокирни топиб гаплашдим. Нима эмиш: Раҳмонқулнинг кадастри борақан, унинг девор уришга ҳаққи бор эмиш... Алашимдан дунё кўзимга қоронги бўп кетди. Шу ёшимда икки ёш йигит кетидан сарсон бўлиб юрман

бор. Неча-неча замонлардан бери кўни-кўшни ҳақи улуг саналади. Кўшничиликни улуг билладиган шу хислатимизга дарз кетгандайми, дейман-да. Ахир, иморат солаётган-да ҳам икки ёш кўшнининг олдида ўтилган. "Томи бир оз баландлаб кетди, қаршилигингиз йўқми", деб ризолик сўралган.

— Раҳмонқулнинг отаси тирик бўлган-да бундай қилдирмасди, — дейди Санъат момо зорланиб. — Раҳматли Абдунабининг одамгарчилиги бор эди-да. Юзинг-қўзинг, дерди. Хозир яна ҳоким қабулига кетаяпман. Зора, бирор чора топилса...

Ўйла-а-аб қоламан-да, нурафшонлик дўстлар!

Маҳалла идорасидан уйма-уй муаммо сўралса, мурожаат қилай, десанг, сектор бор, Халқ қабулхонаси, ҳоким қабули, жуда бўлмаса, портал бор, лекин ҳеч муаммо қамаймайди-я!.. Ҳа, бу муаммо, деганининг охири кўриниш берай, демайди!..

Эҳ-х-х, инсон кўнглини англай билиш керак-да. Бир жойда яшаймиз. Бир-биримизга тобуткашмиз. Оқибатимиз йўқолмаса дейманда, азизлар.

Отбек ИСРОИЛОВ
Нурафшон шаҳри

КЎЗИМИЗ ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Яна бир бор маънавиятимизга соя солаётган «удумлар» ҳақида

пайтларда тўйларнинг ёшлар дискотекасида фарқи қолмади, ҳисоб. Бундай тўйлар нафақат онгимизни, балки, санъатимизни ҳам бузаяпти. Хусусан, вилоятимизда ўтказилаётган тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар бундан мустасно эмас. Тўғри, кенг жамоатчилик олиб бораётган тушунтириш, тарғибот-ташвиқот иш-



лари натижасида "Кичик фотиҳа", "Катта фотиҳа", "Тўй юборар", "Келинсалом", "Чарлар", "Чақирик", "Ҳайит чойи", "Қизлар базми" каби тадбирлар ихчамлаштирилди, баъзи ҳудудларда эса ушбу маросимлардан воз кечилди. Лекин, айрим шаҳар ва туманларимизда ортиқча дабдабабозликлар ҳамон давом этмоқда. Оқибатда кўпгина нохуш ҳолатларга йўл очилаяпти.

Масалан, 200-300 кишилик "Қарз" тўйи ёки 500-600 кишилик "Эҳсон", "Ақиқа" тадбирлари, "Киз базми" ёки "Қуёв қутиш", "Қуёв ўғрилаш", "Тўй қайтариш", никоҳдан ўтиш маросимида 9-12 тағача қимматбаҳо машиналарни қаторлаштириб қўйиш, кейин кафеда спиртли ичимликлар билан нишонлаш, саҳналарни беҳисоб гуллар билан безатиш, ғарб мамлакатларига хос "торт едириш", "Келинсалом"га 3-4 нафар таниқли санъаткорларни ҳамда 100 дан ортиқ меҳмонларни таклиф этиб, уларни яна 6-7 хил таомлар билан меҳмон қилиш, "Чарлар", "Ковурдоқ", "Кўрма-на", "Бешик тўйи" каби удумлар баҳона беҳисоб маблағлар сўрурилаётгани натижасида икки ёш, қудандалар орасига совуқчилик тушиб, ажрим ҳолатлари рўй бермоқда.

Афсуски, биз бугуннинг оғриғи деб қараётган тўйлардаги чираниш, тираниш муаммоси икки аср нарида ҳам миллатимиз тараққиётига тушов бўлган экан. Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехўдйи бобомиз

Қадимий Қўқон шаҳрида бугун байрам шукуҳи ҳукмрон. Қўчалар, хиёбонлар байрамона безатилган. Халқро микёсдаги мазкур тадбирнинг Қўқон шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки, ушбу шаҳар қадим-қадимдан хунармандчилик ривожланган маданий марказлардан бири бўлиб келган. Бу ерда хунармандчилик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган.



ҚЎҚОН КАТТА БАЙРАМ ОҒУШИДА

Устоз-шоғирд аъналарини, хунармандларнинг оилавий сулолалари унинг сир-асрорларини аجدодлардан авлодларга етказиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам Қўқон шаҳрида хунармандчилик аъналарини изчил ривожланмоқда. Хусусан, ёғоч ўймакорлиги, қоғозгарлик, чилангарлик, заргарлик каби кўплаб турлари раванқ топмоқда. Эътиборли жиҳати, Жаҳон хунармандчилик кенгашининг 2019 йил 23 июлдаги қарорига кўра, Қўқон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича Хунармандчилик шаҳри мақоми берилди. Шу кунгача жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 35 та шаҳар мазкур мақомга сазовор бўлган. Қўқон шаҳри МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилди.

Бугунги кунда хорижий меҳмонлар ва фестиваль иштирокчилари ташриф буюриши кўзда тутилган 12 тарихий обидани таъмирлаш ишлари якунланди. Шунингдек, 20 дан ортиқ Қўқон миллий хунармандчилиги намояндаларининг уй-устахонаси, 4 маданий дам олиш маскани фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар ташрифи учун тайёрланган. Қўқон шаҳридаги хиёбонлар, йўллар ҳамда кўп қаватли уйлар олдидаги майдонлар ободонлаштирилган. Фестивалнинг асосий тадбирлари "Худоёрхон ўрдаси" майдонида ўтказилади. Майдонда сахна ва амфитеатр барпо этилди.

Марказий майдоннинг ён-атрофида хунармандчилик санъатига доир турли кўргазмалар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадим



Фестивалда республикаимизнинг 153 туманидан хунармандчиликнинг 34 йўналиши бўйича 1 минг 116 хунарманд ва 87 ташкилотчи иштирок этади. Фестивалда 78 давлатдан хунармандчиликнинг 29 йўналиши бўйича 191 хорижлик хунарманд қатнашади. Шунингдек, фахрий меҳмон сифатида 38 юқори мартабали хорижлик давлат арбоблари ва олимлар иштирок этиши кўтилмоқда. Фестиваль доирасида "Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожландириш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилади. Унда 24 давлатдан 28 хорижлик ва ўзбекистонлик 6 олим иштирок этади.

Фестиваль тадбирларини маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 400 дан ортиқ вакили ва 22 хорижий журналист ёритиб боради.

мий хунармандчилик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, мавзуга оид бадий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва сотуви ташкил этилади.

Шунингдек, фестиваль доирасида миллий либослар кўргазмалари чиқишлари, асқиячи ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилади.

Фестиваль тадбирларини ҳар томонлама пухта ва бадий жиҳатдан бетакрор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, уста хунармандлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар жалб этилган.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Маъсул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@uamail.uz

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ

ISSN 2010-9318.

Буюртма Г-943. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 385 нусхада чоп этилди

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5